


Раҳмат ўн кунлиги: Рамазоннинг биринчи ўн кунлигини қандай ўтказиш керак.



16:06 / 22.05.2018 9172

Ҳар бир мусулмон Рамазон ойининг уч қисмдан ташкил топишини билади. Муборак ойнинг биринчи ўн кунлиги “Раҳмат кунлари” эканлиги маълум. Мусулмонлар Рамазон ойининг руҳий, маънавий юксалиш оyi эканлигини билишади, лекин мусулмон банда учун “раҳмат” нимани англатади ? Буюк Аллоҳнинг гўзал исмларидан бири Ар-Раҳмондир, Меҳрибон. Мусулмонлар бажарадиган деярли ҳамма ишларида Яратувчини шу исмини айтишади. Шунинг учун Аллоҳ ўзи учун яратган ойда раҳматини нозил бўлиши хайратланарлик эмас. Ҳадиси Қудсийда Аллоҳ: “Эй одам фарзанди сен менга дуо ва мендан умид қилар экансан, мен бажарганинг учун гуноҳларингни авф этаман, ва қарши бўлмайман. Эй одам фарзанди агар сен ҳузуримга гуноҳларинг осмон булутлари қадар кўп холда келсангда, ва мени Раҳматимни қидирганингда, Мен сени мағфират қилар эдим. Эй одам фарзанди агар ҳузуримга гуноҳларинг ер юзича бўлиб, менга бирор нарсани ширк келтирмай келганингда, мен сени ундан ҳам катта раҳматим билан кутиб олардим.”-деган. Кўпчилик иймон келтирган одамлар билиб-билмасдан, қилиб қўйган гуноҳларидан қўрқиб туришади. Лекин Аллоҳ мағфиратни ваъда қиляпти. Бу сифат Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарсада йўқ. Бу ҳадис орқали Аллоҳ Ўзининг Ар-Роҳман, энг Меҳрибон, ар-Роҳийм энг Раҳмли эканлигини эслатапти. Аллоҳнинг Раҳматига эришиш ва жаннатга кириш ҳар бир мусулмон интиладиган нарсадир. Аллоҳнинг азобидан қўрқувчи ҳар бир мусулмонга Яратувчи Қуръонда : “Эй ўз

жонларига исроф (жабр) қилган бандаларим, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг! Албатта Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират этар. Албатта унинг ўзи ўта раҳмли зотдир” деб айт (Зумар сураси, 53-оят)

Дуо ва зикр - Аллоҳ раҳматининг калитлари

Раҳмат ўн кунлигида мусулмон киши бажарадиган амалларнинг яхшиси дуо ва зикрларни ўқиш орқали Аллоҳнинг раҳматига сазовор бўлиш. Жаннат эшиклари очилган ва жаханнам эшиклари ёпилган ҳолатда Аллоҳ ўзининг ваъдасидан қайтмайди. Яратган зотга мурожаат қилиб, раҳматига эришиб олишни сўраш учун энг қулай фурсат. Қуръонда келган қуйидагии дуони ҳам ўқиш мумкин: “Эй Роббим, мағфират қил, раҳм қил. Ўзинг раҳм қилгувчиларнинг яхшисисан” (Мўминун сураси, 118-оят).

Яна Аллоҳ Бақара сурасининг 152-оятида “Бас , Мени эслангиз, сизни эсламан. Ва менга шукр қилингиз, куфр қилмангиз”. – деб айтган. Булар Аллоҳни кўп зикр қилиш, ҳар доим раҳматини сўраш, сажда қилиб унга ёлвориш учун эслатмалардир. Қандай қийинчиликларни бошингдан ўтказаетганинг, қанчалик қаттиқ холдан тойганингни аҳамияти йўқ. Иймон келтирганлар ҳеч қачон Аллоҳнинг раҳматидан умидларини узмасликлари керак. Бошқа ҳадисда Аллоҳнинг охиратда мусулмон бандалари муҳтожлигида бўладиган раҳмати ҳақида сўз кетади. Мусулмонлар кунда уруш ва бузғунчиларни кўриб турсалар-да, шу билан бирга эрнинг аёлига, онанинг эмизикли фарзандига, ўқитувчининг шогирдларига, болаларнинг ҳайвонларга хатто ҳайвонларнинг ўз боласига кўрсатаётган чексиз меҳр муҳаббатига ҳам гувоҳ бўлишаяпти. Раҳмат оламни ўз гирдобига олган, Аллоҳ ўз раҳматини 100 қисмга бўлди ва фақатгина биттасини ер юзида бўлишини ирода қилди. Қолган Раҳмати ўзигагина хосдир. Рамазоннинг аввалги ўн кунда бўладиган Аллоҳнинг раҳматини тасаввур қилиб кўринг, энди биринчи ўн кунликни рисоладагидек ўтказган киши қўлга киритадиган мукофотни бир тасаввур қилиб кўринг ва келажкада Қиёмат куни бўладиган раҳматни ҳам тасаввур қилиб кўринг.

Рўзанинг ўзи бу раҳматдир

Рўзанинг Ислом арконларидан бири эканлигини ўзиёқ бунинг раҳмат эканлигига далил. Рўза орқали одамлар уларга наф бермайдиган таомлардан халос бўлишади. Улар руҳий озуқа олиб, зарур ибодатлардан чалғитувчи нарсаларни тарк этадилар. Мусулмонлар ўзларида бор нарсага қаноат қиладилар, ва ўзларига нисбатан кам нарсага эга инсонлар ҳақида, урушда хонавайрон бўлган фарзандлари бор оилалар ҳақида, кунда

таомсиз яшаётган мусулмонлар ва ғайримусулмонлар ҳақида, узлуксиз рўза тутаётганлар ҳақида ғам чекадилар. Буларнинг ҳаммаси ўз ҳолида раҳматининг бир кўриниши. Мусулмонлар ўзларига, жуда яхши шароитлардагиларга ва омади келмаганларга ҳам яхшилик ва меҳрибонлик кўрсата оладилар. Раҳм шафқат ҳар хил кўринишларда намоён бўлади. Ва буларнинг барига Рамазонда Аллоҳни зикр қилиш билан, тунларини ибодат билан ўтказиш, нафс тийилиши ҳақида тафаккур қилиш орқали эришиш мумкин. Роббул оламин яна баъзи нарсаларни ваъда қилапти. Қуръонда:” Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки тақводор бўлсангиз” –деб айтган. (Бақара сураси, 183-оят)

Сиз энг тақводор мусулмон деб эътироф қилиндингиз, бу Аллоҳнинг бандасига бериши мумкин бўлган энг олий мукофоти, раҳматидир. Бу даражага Рамазон ойида Аллоҳга буткул юзланибгина эришиш мумкин.

Рўза ва Раҳмат ўн кунлигидаги дуо.

Биринчи ўн кунликнинг гўзаллиги шундаки, бу раҳматнинг раҳмат ичидалигидир. Мусулмон бандалар Роббиларининг розилигига эришиш учун фаол ҳаракат қилаётганларида, Аллоҳ ўз раҳматини бу муборак ойга тухфа қилиб қўшиб беради. Унинг раҳматига солиҳ амал қилувчиларгина лойиқ, ва уларнинг ажрлари кўпайтириб берилади, шу билан бирга гуноҳ қилган бандалар агар ихлос билан тавба қилсалар ва Аллоҳ розилиги истаб ҳаракат қилсалар мағфират қилинадилар. Айнан шу дамда Аллоҳнинг раҳмати сабаб хайрли ишларнинг даражаси ортади, ва бу ўз навбатида бандаларга берилган раҳматдир. Бу қалбларини поклаб, Аллоҳга ибодат учун бандани тўғри йулга бошлайди. Рўза нафақат амалларни балки ажр мукофотларни ҳам кўпайишига сабаб, лекин Яратувчимизнинг раҳмати ибодатдан тўхтамаган ҳар бир бандани ўраб олишда давом этаверади. Аллоҳ бандаларини Ўзигагина ибодат қилишлари учунгина халқ қилди: “Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилиш учунгина яратдим”. (Зарият сураси, 56-оят). Рўзадаги амаллар жуда буюқдир. Бундай буюкликнинг сабабларидан бири Аллоҳ рўзани Ўзи учун танлади. Набийимиз Муҳаммад саллолоҳу алайҳи васаллам айтадилар:“(Аллоҳ айтади)”: “Одам боласининг ҳар бир эзгу амали ўзи учундир илло рўза Мен учундир. Ва Мен рўзадорни бу учун мукофотлайман. Рўзадорнинг оғзидан чиқадиган ҳид, Аллоҳ наздида мушқдан яхшироқдир”. (Имом Бухорий ривояти)

Шу йўл билан Рамазон кунларида ихлос билан Аллоҳ розилиги учун тавба ва амали солиҳ қилганларга ҳисобсиз, сон саноксиз ажр мукофотлар

берилади. Бу раҳмат бутун Рамазон ойида бўлади. Ва иймон келтирган киши учун Қиёмат кунида Аллоҳнинг раҳмати билан рўзадорлиги сабаб солиҳлар орасидан чақирилгунича бўлган ҳаётида ҳам давом этади.